

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.26.04.2018.Isl.Tar/F/Fil.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**РУСТАМИЙ САЛИМАХОН АЛИЙБЕГ ҚИЗИ**

**ЎРТА АСРЛАР ИСЛОМ БАЛОҒАТ ИЛМИДА  
ТИЛШУНОСЛИККА ОИД ҚАРАШЛАР**

**24.00.04 – Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2018**

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по филологическим  
наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on  
Philological Science**

<b>Рустамий Салимахон Алийбег қизи</b> Ўрта асрлар ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар .....	3
<b>Rustamiy Salimakhon Aliybeg kizi</b> Linguistic views in Medieval Islamic science of balāğat.....	29
<b>Рустамий Салимахон Алийбег қизи</b> Лингвистические взгляды в средневековой исламской науке балагат..	55
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	60

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.26.04.2018.Isl.Tar/F/Fil.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**РУСТАМИЙ САЛИМАХОН АЛИЙБЕГ ҚИЗИ**

**ЎРТА АСРЛАР ИСЛОМ БАЛОҒАТ ИЛМИДА  
ТИЛШУНОСЛИККА ОИД ҚАРАШЛАР**

**24.00.04 – Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2018**

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.DSc/Fil39 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.islam.academy.uz](http://www.islam.academy.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Ибрагимов Нематула</b> академик, филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Дадабоев Ҳамидулла Арипович</b> филология фанлари доктори, профессор
	<b>Ходжаева Раъно Умаровна</b> филология фанлари доктори, профессор
	<b>Сиддикова Ирода Абдузхуровна</b> филология фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.26.04.2018.Isl.Tar/F/Fil.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: [islamicacademy@mail.ru](mailto:islamicacademy@mail.ru))

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: [info@eeau.uz](mailto:info@eeau.uz))

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.А.Хасанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**М.М.Мухаммадсидиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, с.ф.д., доц.

**Қ.П. Содиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрга келиб жаҳон илм-фани ривожда ислом цивилизацияси тарихида муҳим ўринга эга бўлган мутафаккирлар, хусусан Мовароуннаҳр олимларининг хизматлари эътироф этилди. «Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади»<sup>1</sup>. Шунинг учун «буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу масала ёшларда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини кучайтириш, барча жамиятларда ислом қадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ҳамда қабул қилиш, дунёнинг барча халқларига Ислом динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш учун муҳимдир. Шунингдек, бугунги кунда халқаро миқёсда конфессиялар, миллатлар ва маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиш, тинчлик ва тотувликка эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этади»<sup>2</sup>. Жаҳон цивилизацияси ривожда аниқ фанлар билан бир қаторда тафсири (التفسير), фикҳ (الفقه), ақоид (العقائد), адаб (الأدب) масалаларини қамраб олган Қуръон илмлари (علوم القرآن) ҳам муҳим мавқега эга бўлди. Адаб илмларидан ҳисобланган балоғат илмига (علم البلاغة) IX асрнинг биринчи ярмида Абу Убайда (728-824) «Мажозу-л-Қуръон»<sup>3</sup> (مجاز القرآن) асари билан асос солган. Бу илм такомиллашиб борди ва XII асрда хоразмлик олим Абу Ёқуб Юсуф ас-Саккокий (1160-1229) маъоний (علم المعاني), баён (علم البيان), бадий (علم البديع) илмларини бир тизимга тушириб, «балоғат илми» деб атади. Мазкур илм араб, форс, туркий халқлар орасида кенг тарқалган ҳамда XIX-XX аср бошларигача ўлкамиз ўқув даргоҳларида фан сифатида ўқитилган. Бир неча аср давомида аждодларимиз томонидан ўқиб-ўрганилган балоғат илмининг тил ҳодисаларига оид назарий қарашлари бугунги кун тилшунослигида ҳам долзарблик касб этади.

Дунёда ўрта аср олимларининг тилга оид назарий ва амалий масалаларни қамраб олган тилшуносликка оид қарашлари адаб илмлари (علوم الأدب) таркибида луғат (علم اللغة), сарф (علم الصرف), наҳв (علم النحو), балоғат (علم البلاغة) илмлари каби сертармоқ ва мураккаб илмий назариялар мажмуи сифатида ривожланиб, унинг ўрганиш объекти тил, тил ҳодисалари ва тил ифодаси бўлган нутқдан иборат бўлди. Тил – мураккаб рамзлар тизими сифатида баҳоланди. Тил ҳодисаларини назарий ўрганиш жараёнларида Ғарб лингвистика мактаблари тилнинг коммуникатив, когнитив, номинатив ва аккумулятив функцияларига эътибор қаратди, шу боис Ғарб оламида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 декабрь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи: Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик // Халқ сўзи. – 2016. – 19 октябрь.

<sup>3</sup> Қуръон тили ва услубига бағишланган асар.

социолингвистика, психолингвистика, этнолингвистика, антрополингвистика каби соҳалар ривожланди. Ислом уйғониш даврида тилшуносларни кўпроқ тилнинг эмоционал-экспрессив, яъни валюнтатив функцияси қизиқтириб, тил ҳиссий-руҳий таъсир воситаси сифатида чуқур ўрганилди. Натижада тилнинг эстетик таъсири ва бадий тузилишига оид назарий қарашлар араб дунёсида балоғат илмининг вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида балоғат илмининг тарихи, тузилиши, аҳамияти, истилоҳлари маъноси, бадий воситаларнинг қўлланиш усулларини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Тадқиқотчилар олдида балоғат илмининг назарий асослари, унинг адаб илмида<sup>4</sup> (علم الأدب) тутган мавқеи, замонавий усуллар ёрдамида балоғат илмлари типологиясини амалга ошириш вазифаси турган бўлиб, унинг ечими илмий-адабий қарашлар тизимини англашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар диний соҳада ҳам қатор ўзгаришлар ва катта лойиҳаларни амалга оширишда муҳим омил бўлди. Хусусан, «эътиқоди ислом дини билан боғлиқ бой ва ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан халқимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш»<sup>5</sup> мақсадидан келиб чиқиб, Мовароуннаҳр олимларининг «...араб ёзувидаги турли мавзуларга оид ёзма ёдгорликлар ва эпитафика намуналарини тадқиқ қилиш, уларни асл ҳолида ҳамда ўзбек ва хорижий тилларда илмий изоҳлар, таржималар билан нашр этиш, илмий муомалага киритиш»<sup>6</sup> масаласи давлат аҳамияти ва унинг истиқбол ривожланиш стратегиясига алоқадор вазифалар қаторига киритилган. Юртимиз қўлёзма хазиналарида балоғат илмига доир кўплаб қўлёзмалар мавжуд. Бу илм ислом дини билан узвий боғлиқликда яхлит лингвистик қонуният сифатида амал қилган, у тилнинг бадий ифода имкониятларини аниқлаш, нутқ бойлигини амалий таъминлаш мезонлари ва қоидалари мажмуи сифатида кенг тарқалган. Бироқ балоғат илми доирасида лингвистик қарашлар мазмунини тил ҳодисалари, тил захираси ва тилнинг бадий имкониятлари нуқтаи назаридан яхлит ва тизимли ўрганиш ҳануз амалга оширилмаган бўлиб, мазкур масала аждоқларимиз лингвопоэтик тафаккурини англашда долзарблик касб этади.

<sup>4</sup> ‘ulūmu-l-luġati-l-‘arabiyya(ti) - علوم اللغة العربية - деб ҳам аталади. «Филологик фанлар» тушунчасига мос келади.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази устави // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 31-сон, 782-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2018 й., 09/18/23/0576-сон.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2995- сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги** Қарори // Халқ сўзи, – 2017. – 25 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 августдаги 572-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>7</sup>.** Балоғат илмини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг бир қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cambridge University (Буюк Британия), Indiana University Bloomington (АҚШ), Lund University (Швеция), جامعة الأزهار، جامعة القاهرة (МАР), جامعة بغداد (Ироқ Республикаси), دانشگاه تهران (ЭИР), İstanbul Üniversitesi (Туркия), Санкт-Петербургский государственный университет, Институт мировой литературы РАН, Институт востоковедения РАН, Институт Азии и Африки (Россия), Донишгоҳи миллии Тоҷикистон (Тоҷикистон), Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Ўрта асрларда балоғат илмининг шаклланиши, таркибий қисмлари, назарий асосларига оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида, қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: балоғат илмининг ўрта асрларда Куръон илмлари таркибига киритилгани асосланган, Абдулқоҳир Журжонийнинг (1009-1078) деконструкция назарияси асосчиси эканлиги исботланган (جامعة الأزهار، جامعة القاهرة); балоғат илмининг вужудга келишига асос бўлган омиллар, яъни куръоншунослик, араб грамматикасининг

<sup>7</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.cam.ac.uk/>, <https://www.indiana.edu/>, <https://www.lunduniversity.lu.se/>, [www.azhar.edu.eg/](http://www.azhar.edu.eg/), <https://cu.edu.eg/ar/>, <http://www.uobaghdad.edu.iq/>, <http://ut.ac.ir/en/>, [www.istanbul.edu.tr/](http://www.istanbul.edu.tr/), <https://spbu.ru/>, <http://imli.ru/>, <https://www.ivran.ru/>, <https://www.msu.ru/info/struct/dep/isaa.html>, <http://philol.tnu.tj/KafZabAdMToj.htm>, <http://navoiy-uni.uz/uz-k> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

шаклланиши, Қуръон маъноларини илмий асосда ёритиш зарурати кабилар аниқланган (Институт мировой литературы РАН, Институт востоковедения РАН, Ўзбекистон халқаро ислом академияси); асарда бадийликни вужудга келтирувчи омиллар, жумладан балоғат қонуниятлари ва матнни тўғри ташкил қилиш асослари ёритилган (University of Cambridge, Lund University, Indiana University Bloomington, Санкт-Петербургский государственный университет); бадий санъатлар типологияси, хусусиятлари назарий жиҳатдан асосланган (İstanbul Üniversitesi, Донишгоҳи миллии Тоҷикистон); бадий асарлар тили балоғат илми тамойиллари асосида тавсифланган ( دانشگاه تهران, جامعة بغداد, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти).

Жаҳонда Қуръон илмларидан ҳисобланган араб тилшунослиги соҳасида балоғат илмининг тил ва бадииятга оид назарий асосларини аниқлаш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: балоғат илмига оид қўлёзмаларнинг илмий-танқидий матнини тузиш; Қуръон тили ва бадиияти хусусиятларини балоғат илми усулларига кўра ёритиш; балоғат илмининг мумтоз шарқ адабиёти етук намояндаларининг ижодига таъсирини далиллаш; бадий санъатлар тавсифи; араб, форс, туркий тиллардаги мумтоз асарлар тили ва услуб хусусиятларини балоғат илми тамойиллари асосида ёритиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Энг қадим даврлардан бошлаб, жумладан, Фарб ренессанси даври, Шарқда исломгача ва исломдан кейинги даврлар, Россияда XVII-XIX асрларда тилнинг бадий хусусиятларига доир турли назариялар яратилган<sup>8</sup>. XIX асрнинг иккинчи ярмида поэтик тил ва унинг доимий элементлари, тарихий поэтика асосларига оид назарий қарашлар, XX асрда эса лингвистик поэтика муаммолари турли нуқтаи назардан ўрганилган<sup>9</sup>. Ўрта аср олимларининг тилда бадийликни таъминлаш асосларига оид фикрлари, араб адабиётининг форс ва туркий халқлар адабиётига таъсири муаммолари қисман тадқиқ этилган<sup>10</sup>.

<sup>8</sup> Аристотель (энг қадим давр); Ж.Ж.Триссино, Т. Такко, Ж.Ж.Скалигер, Н. Буало (Фарб ренессанси даври); В.К.Тредиакровский, А.П.Сумароков, М.В.Ломоносов (XVII-XIX аср); Ибн Қутайба, Қудаман ибн Жаъфар, Ибн ал-Муътаз (IX-X аср), Абу-л-Фараж ал-Исфаҳоний, Шайх Аҳмад Тарозий (XIV-XV аср), Атоуллох Ҳусайний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий (XV-XVI аср) ва б.

<sup>9</sup> В.А.Потебня, А.Н.Веселовский, В.В.Виноградов (XIX аср); М. Борн, Р. Барт, Ф. Гарсия Лорка, В.П.Григорьев, Ю.М.Лотман, Ю.Н.Тинянов, М.Ф.Фуко, Р.О.Якобсон, В.Б.Шкловский (XX аср).

<sup>10</sup> Ахвледиани В. Арабское языкознание средних веков. Сб. История лингвистических учений (Средневековый восток), – Л.: Наука, 1981; Брагинский И.С. Опыт исследования элементов научного поэтического творчества в памятниках древней и средневековой таджикской письменности. Автореф. дис. ... док. филол. наук. – М., 1954; Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. – М.: Наука, 1988; Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – М.: ИВЛ, 1960; Кариев У.З. Лексикографическое произведение Замахшари «Ал-фа'ик фи гариб ал-хадис» // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент: Фан, № 12. 1971; Османов М.Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX-X вв. – М.: Наука, 1974; Сагтарзода А. Рудаки и проблема изучения художественного стиля в поэзии. Иран-наме, – Алматы: Центр по изучению культуры Ирана и Центральной Азии при Национальной библиотеке Республики Казахстан. № 2, 2010, – С. 143-146; Сагтарзода А. Аристотель и таджикско-персидская

Балоғат илмига оид рисолаларнинг манбашунослик-матншуносликлик хусусиятлари А. Ҳиндовий, А. Матлуб, А. Мехрон, Х. Гибб, Ш. Пелла, Ф. Ханна, М. Мутаххари, А. Жорим, М. Амин, Ҳ. Авний, С. Соса, А. Ҳошимий, А. Ҳажжор, В. К. Броккельман, В. Смит, Ж. Венсброт, Ж. Монроу, Ф. Холден, А. Ҳайитметов, З.М.Исломов<sup>11</sup> каби олимлар томонидан ёритиб берилган.

И.Ю.Крачковский, А.Е.Кримский, И.М.Фильштинский, Б.Я.Шидфар, М.Г.Кулиева, А.Б.Куделин, Д.В.Фролов, М.С.Киктев, В. Каскель, И. Абдуллаев, Н.И.Ибрагимов, Т.А.Мухторов, Р.У.Ходжаева, М.Н.Тошқўзиева, Ш.Ф.Шомусаров, М. Зиёвуддинова, А.С.Қаҳхоров<sup>12</sup> каби

---

литературная мысль (IX-XV вв.). – Душанбе: Адиб, 2002; Мусульманкулов Р.М. Персидско-таджикская классическая поэтика (VII-XV вв.). – М.: Наука, ГРВЛ, 1989; Абдусаттор А. Таъсири адабиёти араб ба шеъри асри XI форсу тоҷик (аҳди Ғазнавиёни аввал). Рисола барои дарёфти дараҷаи илмии доктори илмҳои филологӣ. – Душанбе, 2002; Мардони Т.Н. Влияние арабской поэзии на творчество таджикских-персидских поэтов IX-XII веков. Дисс. ... докт. филол. наук., – Душанбе, 2006; Мардони Т.Н. Арабско-таджикские литературные связи. – Душанбе: Ирфон, 2006; Загидуллоева Д. Ф. Влияние средневековой арабской и персидской науки балаяғъ на татарское литературоведение // Учен. Зап. Казан. Ун-та. Сер. Гуманит. Науки, 2008. Т. 150, Кн. 8. – Казань. – С. 50.

<sup>11</sup> <http://booksandjournals.brillonline.com/content/journals/10.1163/1877837292x00088> Smyth W. Some quick rules ut pictura poesis: the rules for simile in «Miftah al-ulum» // Oriens. 1992. Vol. XXXIII. – P. 215-229; <https://books.google.com/books?isbn=0415185726> Wansbrought J. Arabic rhetoric and Qur'anic exegesis. BSOAS 31 (1968). 470-85 (on laff wa-nashr). Encyclopedia of Arabic Literature, Том 2. – London and New York, 1998. – P. 662; Монроу Дж. Т. Устный характер доисламской поэзии. Арабская средневековая культура и литература. Сборник статей зарубежных ученых. – М.: Наука, 1978; Hallden Ph. Rhetoric // Medieval Islamic Civilization. Encyclopedia. Editor Josef W. Meri. – New York, 2006; <https://books.google.com/books?isbn=0415185726> Matlub A. Al-Kazwini wa-shuruh al-Talkhis. – Baghdad. 1387/1967. Encyclopedia of Arabic Literature, Том 2. – London and New York, 1998. – P. 440; <http://www.iranicaonline.org/articles/bayan-a-noun-common-to-arabic-and-persian-meaning-statement-exposition-explanation> Mehren A. F. Die Rhetorik der Araber. – Copenhagen and Vienna, 1853. – P. 20-42; Brockelmann C. Geschichte der Arabischen Litteratur. Bd 1–2. Weimar: Verlag von Emil Felber, 1898–1902. Bd 1. – 528 S.; Brockelmann C. Geschichte der Arabischen Litteratur. Sb. 1–3. – Leiden: E. J. Brill. Sb. 1. 1937; Гибб Х.А.П. Арабская литература. – М.: Изд-во Иностранной литературы, 1960; Пелла Ш. Вариации на тему адаба // Арабская средневековая культура и литература. Сборник статей зарубежных ученых / сост. и предисл. И.М. Фильштинского. – М.: Наука, 1978. – С. 60–76; Аль-Фахури Ханна. История арабской литературы. – М.: Изд-во Иностранной литературы, 1959; Исломов З.М. Махмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги туркий феъллар таҳлили. Фил. фан. ном. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 1993; Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоғъ. А.Ҳайитметов нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Хазина, 1996; Мутаххари М. Краткий экскурс по «Нахдж ал-балага». – СПб: Петербургское Востоковедение, 2010;

أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. تحقيق الدكتور عبد الحميد هنداوي. دارالكتب العلمية، بيروت. 2000؛ على جازم، مصطفى أمين. البلاغة الواضحة. البيان. المعاني. البديع. القاهرة. 1999؛ حامد عوني. المنهاج الواضح للبلاغة. الطبعة الخامسة. دار الكتاب العربي بمصر. 1953؛ صالح ساسه. المنجد في الإعراب والقواعد والبلاغة والعروض. دار الرائد للطباعة والنشر؛ أحمد هاشمي. جواهر في المعاني والبيان والبديع. بيروت-لبنان. 2004؛ أحمد محمد الحجار. الإفصاح عما تضمنته الإيضاح من مباحث البيان. دار الإتحاد العربي للطباعة. القاهرة. 1973.

<sup>12</sup> Крачковский И.Ю. Ибн ал-Му‘тазз. У. «Китаб ал-бади‘» // Избранные соч. Т. VI. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 179-246; Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. – Т. 2. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1956; Крымский А.Е. История новой арабской литературы. XIX – начало XX в. – М.: Наука, 1971; Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. – М.: Наука, 1965; Фильштинский И.М. История арабской литературы X–XVIII века. – М.: Наука, 1991; Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI–XII вв.). – М.: Наука, 1974; Кулиева М. Вопросы теории арабской литературы на основе «Мифтах ал-улум» Ас-Саккаки. Дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1983; Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII–XI вв.). – М.: Наука, 1983; Фролов Д.В. Арабская филология: Грамматика, стихосложение, корановедение. Статьи разных лет. – М.: Языки славянской культуры, 2016; Киктев М.С. Абу-л Хасан Ал-Джуржани (вторая половина X в.) о метафоре («арабское» и «греческое» в средневековой арабской филологической теории) // Проблемы арабской культуры: памяти акад. И.Ю. Крачковского. – М.: Наука, 1987. – С. 45–49; Каскель В. «Китаб ал-бадиғ» и ее место в арабской поэтике и риторике // Арабская средневековая культура и литература: сб. ст. заруб. ученых. – М.: Наука, 1978. – С.

олимларнинг тадқиқотларида араб тилининг бадиий хусусиятларига доир ўрта асрларда ишлаб чиқилган тамойиллар ва замонавий қарашлар уйғунлашган тарзда таҳлил қилинган.

Бироқ санаб ўтилган барча тадқиқотлар балоғат илмидаги тилшуносликка оид қарашлар моҳияти ва мазмунини тўлақонли ёритиб бермаган, мазкур илмий муаммо ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири саналади. Ҳозиргача дунё тилшунослигида балоғат илмининг назарий асосларини ёритишга бағишланган махсус тадқиқотлар мавжуд эмас. Бинобарин, балоғат илми ва ундаги тилшуносликка оид қарашларни тадқиқ қилиш тил тарихига оид маълумотларни аниқлаш, жумладан замонавий тилшуносликнинг лингвопоэтика, лингвоэстетика, лингвостилистика билан боғлиқ масалаларини ўрганишга хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ислом уйғониш даврида балоғат илми таркибидаги тилшуносликка оид қарашларни ёритиш негизида балоғат билан тил орасидаги муносабатларни асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

балоғат илмининг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришда Мовароуннаҳр олимларининг муносиб хизматларини далиллаш;

ўрта асрларда балоғат илмининг адаб илмлари тизимидаги ўрнини кўрсатиш ҳамда унинг араб, форс, туркий халқлар тили ва адабиётининг назарий ҳамда амалий ривожига ўрни ва аҳамиятини ёритиш;

Шарқ ва Ғарб лингвистикасининг тил ва маъно кўчишига доир назарияларини қиёсий тавсифлаш;

балоғат илмида маънони ифода этишга хос қаср (قصر), фасл (فصل), васл (وصل) ва бошқа усулларнинг хусусиятларини аниқлаш;

---

199–202; Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане. X-начала XI в. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 214-215; Ибрагимов Н.И. Ўрта аср араб халқ адабиёти. – Тошкент: Фан, 1994. Ибрагимов Н.И. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии. – М., 1988; Ибрагимов Н.И. Арабский народный роман. – М.: Наука, 1984; Ибрагимов Н.И. Некоторые особенности языка и стиля арабского народного романа (сиры) // Науч. тр. ТашГУ. Востоковедение (Языкознание). – Ташкент, 1979. № 563. – С. 29-41; Ибрагимов Н.И. Синонимичные пары и их роль в народной арабской прозе // Науч. тр. ТашГУ. Востоковедение (Языкознание). – Ташкент, 1979. №570. – С. 69-78; Мухтаров Т.А. Средневековая арабская новелла как исторический источник. – Ташкент, 1992; Арабская средневековая новелла (становление и развитие жанра). Автореф. дис. ... док. филол. наук. – Ташкент, 1994; Ходжаева Р. Мумтоз араб адабиёти жанрлари тизими ва типологияси. – Тошкент: ТошДШИ, 2015; Ташкузиева М.Н. Поэтика Абу Нуваса (система изобразительных средств). Автореф.дис. ... кан.филол.наук. – М., 1981; Шомусаров Ш. Араб фольклори. – Тошкент, 1992; Средневековая арабская проза. – Ташкент, 1993; Зиявиддинова М. Поэтика в «Мафатих ал-улум» Абу Абдуллаха ал-Хорезми. Автореф.дис. ... кан.филол.наук. – Ташкент, 1990; Mumtoz arab adabiyoti. – Toshkent: TDSHI, 2013; Қахҳоров С.А. Ал-Жоҳизнинг «Китаб ал-хайаван» асарида «масал». – Тошкент: ТИУ, 2007.

балоғат илмидаги тилшуносликка оид қарашларнинг таркибий таҳлилини амалга ошириш, ундаги тил омиллари, бадиийлик хусусиятларини лингвистик жиҳатдан ёритиш, уларнинг тил эстетикаси ва экспрессиясини яратишдаги муҳим вазифасини асослаш;

балоғат илмидаги бадиий воситаларнинг лингвистик таснифини амалга ошириш ва асослаш.

**Тадқиқотнинг объектини** балоғат илми ва унинг умумий назарий асослари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ўрта аср олимларининг балоғат илмига оид асарларида келтирилган тилшуносликка оид қарашлар белгиланди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда илмий тавсифлаш, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, чоғиштирма-типологик, компонент таҳлил каби усуллардан фойдаланилди. Ишда ўзбек тилига ўзлашган арабча истилоҳлар, шахс ва асар номларини ёзишда уларнинг ўзлашган шакли асос бўлди, /ʔ/ учун /ʔ/ белгиси танланди; изофадан иборат номларда /ал-/ аниқлик артиклининг [л] ва ассимиляцияга учраган шакллари икки тарафдан дефис билан ажратилди; лотин ёзувидаги транскрипция учун DIN<sup>13</sup> белгилари<sup>14</sup> қабул қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

балоғат тизими таркибини лафз (لفظ), калом (كلام), маъно (معنى), ибора (عبارة), ҳолат (حال), сўзловчи (متكلم), мурожаат қилинаётган шахс (مخاطب) кабилар ташкил қилиши далилланган;

Юсуф Саккокий ўзининг «Мифтоҳу-л-улум» асарида балоғат илмига бадиий санъатлар бўлимини киритиб, араб тилининг эмоционал-экспрессив, эмотив, валюнтатив функцияларини ўрганиш бўйича мавжуд лингвистик қарашлар тизимини яратиш бергани исботланган;

Ислому уйғониш даври балоғат илми таркибида «тил – шаклга эга», «тил – алоқа воситаси», «тилда шакл ва мазмун бирлиги», «мазмунни аниқ шакл орқали ифодалаш», «лафз ва маъно муносабати», «нутқда эшитувчи ва гапирувчи орасида психологик мувозанатнинг борлиги», «маъно устуворлиги», «маъно кўчиши», «тил эстетикаси»га доир назарий қарашлар мавжудлиги аниқланган;

араб тили ва ғарб тиллари чоғиштирма типологияси асосида балоғат илмининг стилистика ва риторика билан умумий (фикрни аниқ ифода қилиш, тингловчида қизиқиш уйғотиш, осон ўзлашадиган, оддий ва таъсирчан шаклда ифодалаш) ҳамда фарқли (назарий асослар, объектлар, ифода усуллари) жиҳатлари аниқланган;

<sup>13</sup> DIN (қисқартма.) – нем. Deutsches Institut für Normung e.V. (Немис стандартлаш институти).

<sup>14</sup> Истисно: ж учун j танланди.

араб ва ажам олимлари орасида бадий санъатлар таснифидаги тафовутлар сабаби балоғат илми назариясининг форс тилига кўчиши билан боғлиқ экани исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

балоғат илми назарий асосларининг вужудга келишида ўрта аср олимлари Абдулқоҳир Журжоний ва Юсуф Саккокийнинг фан асосчиси сифатидаги ўрни, Жалолиддин Қазвиний ва Саъдуддин Тафтазонийнинг балоғат илмини фан сифатида ўқитишга қўшган ҳиссалари далилланган;

Ғарб тилшунослигида XIX-XX асрга келиб яратилган – тилнинг шакл, белгилар тизими, шунингдек алоқа воситаси эканлиги, шакл ва мазмун бирлиги, тил эстетикасига оид бадий нутқ, маъно кўчиши каби масалалар X-XII асрларда арабшунос олимлар томонидан кўрилгани асосланган;

маъоний илми калом ва унинг таркибий қисмлари ўртасидаги синтактик муносабатларни, баён илми маъно кўчиши билан боғлиқ ҳодисаларни, бадиъ илми бадий санъатлар ва уларнинг хоссаларини ўрганиши аниқланган;

ўзбек халқининг сўзлаш маданиятини юксалтириш мақсадига хизмат қилувчи балоғатшунослик илмий мактабини яратиш, балоғат илмини ўзбек тили нуктаи назаридан ишлаб чиқиш ва ўқитиш таклиф қилинган; бу таклиф ҳозирги кунда юзага келган тилнинг камбағаллашуви ва унинг ифода имкониятларини яхши англамаслик, XX-XXI аср поэзиясида тил деформацияси ва белгилар кризиси каби салбий оқибатларга қарши кўриладиган чоралардан бири сифатида тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тарихийлик тамойили асосида турли илмий-назарий қарашларга эга бўлган тадқиқотчиларнинг фаразлари ўрганилганлиги, тадқиқотда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 7843/IV, 10677/I ва Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида сақланаётган 514, 402, 13009 рақамли қўлёзмалар, Миср Араб Республикасининг Қоҳира ва Искандария кутубхоналари қўлёзмалар фондида сақланаётган балоғат илмига доир асарларнинг факсимиле нашрларидан фойдаланилгани, тадқиқотда объективлик тамойили асосидаги методларга таянилгани, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертациянинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ундаги асосий илмий хулосалар ва муҳим назарий умумлашмалар Қуръон илмлари тизими, адаб илмлари таркиби, жумладан, балоғат илми, унинг асосчилари, балоғат илмининг форс, туркий халқлар адабиётига таъсири, бадий санъатлар, маънони жумла орқали аниқ ва тўғри ифодалаш каби масалаларга бағишланган истиқболли илмий тадқиқотларда, балоғат илмининг миллий хусусиятлари, адабий алоқалар ва ўзаро таъсир масалаларини тадқиқ этишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундан олий ўқув юртларининг филология факультетларида тилшунослик назарияси, тилшунослик тарихи, адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, араб тили, араб адабиёти тарихи, Шарқ адабиёти тарихи, мумтоз филологиянинг назарий масалалари, араб адабиёти умумислом маданияти таркибида, балоғат илми, Шарқ халқлари адабиётида бадийлик асослари, Шарқ халқлари тиллари типологияси каби предметлар мазмунини янги назарий ишланмалар билан бойитиш, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмунини янгича ёндашувлар билан такомиллаштириш, соҳага оид факультатив дарслар, семинар машғулотлари ва махсус курсларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўрта асрлар ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

Ислом уйғониш даври балоғат илми таркибида «тил – шаклга эга», «тил – алоқа воситаси», «тилда шакл ва мазмун бирлиги», «мазмунни аниқ шакл орқали ифодалаш», «лафз ва маъно муносабати», «нутқда эшитувчи ва гапирувчи орасида психологик мувозанатнинг борлиги», «маъно устуворлиги», «маъно кўчиши», «тил эстетикаси»га доир назарий қарашлар, жумлани тўғри, таъсирли шакллантириш омилларини аниқлаш бўйича олинган натижалар, хулосалар А-1-051 рақамли «Исломшунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш» мавзуидаги амалий тадқиқот (2012-2014) лойиҳасида Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби атоқли намояндаларнинг исломга оид асарлари тилидаги эстетик ва экспрессив хусусиятларни белгилашда фойдаланилган (Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 2018 йил 3 июль 05-262-сон маълумотномаси). Натижа ўрта асрлар Хоразм мактаби олими Абу Ёқуб Юсуф Саккокий ўзининг «Мифтоҳу-л-улум» асари билан ўзбек алломалари асарлари тилининг таъсирчан бўлишига қўшган ҳиссасини аниқ баҳолаш имконини берган;

балоғат тизими таркибини ташкил қилган лафз (لفظ), калом (كلام), маъно (معنى), ибора (عبارة), ҳолат (حال), сўзловчи (متكلم), мурожаат қилинаётган шахс (مخاطب) каби тушунчалар мазмуни, бу атамаларни қўллаш усулларини аниқлашга оид хулосалар «Ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш ва унинг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган диншунослик атамалари қомусини яратиш» мавзуидаги амалий тадқиқот (2015-2017) лойиҳасида исломий илмларга оид атамалар маъносини аниқлаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 2018 йил 3 июлдаги 05-262-сон маълумотномаси). Натижада ёш тадқиқотчиларга исломшунос олимларнинг илмий атамаларни қўллашдаги принциплари кўрсатиб берилган;

Хоразм мактаби олими Юсуф Саккокий (XII аср) ўзининг «Мифтоху-л-улум» асарида араб тилининг эмоционал-экспрессив, эмотив, валюнтатив функцияларини ўрганиш бўйича мавжуд бўлган назарий қарашларнинг аниқ тизимини яратганини акс эттирган хулосалар Ф-1-139 рақамли «Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси» мавзуидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида балоғат илми таркибидаги бадиий санъатларнинг ривожланиш босқичларини аниқлашда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2017 йил 11 январдаги ФТК-0313/29-сон маълумотномаси). Натижада Шарқ адабиёти тарихи, адабиёт назарияси каби фанлар адабиёт ва санъат тараққиётига оид маълумотлар билан бойитилган ва мазмуни такомиллаштирилган;

халқ оғзаки ижоди намуналарининг эстетик тарбиядаги ўрни, Жалололдин Қазвинийнинг «Талхису-л-Мифтоҳ», Саъдуддин Тафтазоийнинг «Шарҳу Талхиси-л-Мифтоҳ» асарларининг кўлёзма нусхалари тадқиқи бўйича олинган натижалар, хулосалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги 292-қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон давлат адабиёт музейида ташкил қилинган «Фольклор» ва «Ўрта асрлар адабиёти» номли экспозицияларни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2017 йил 14 сентябрдаги 3/1255-1841-сон маълумотномаси). Натижада музей экспозициясини энг сўнгги илмий янгилик ва инновацион қарашлар билан бойитишга, хусусан, ёшларни миллий ўзликни англаш руҳида тарбия қилишга, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилган;

араб ва ажам олимлари орасида бадиий санъатлар таснифидаги тафовутлар сабаби балоғат илми назариясининг форс тилига кўчиши натижаси экани, шунингдек, балоғат илмига оид «Талхису-л-Мифтоҳ», «Шарҳу Талхиси-л-Мифтоҳ» манбалари орқали Марказий Осиёда балоғат илмининг ривожланишини акс эттирган маълумотлар Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида Ф1-ФА-0-55746 рақамли «Марказий Осиё халқлари адабий кўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини тўплаш ва уларни илмий тавсифлаб нашрга тайёрлаш» мавзуидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида мумтоз адабиётда бадиий санъатларни кўллашнинг янги босқичга кўтарилиши омилларини кўрсатиб беришда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2017 йил 11 январдаги ФТК-0313/29-сон маълумотномаси). Натижада балоғат илми олимларининг «Талхису-л-Мифтоҳ», «Талхису Мифтоҳи-л-улум» ва «Шарҳу талхис» асарлари билан Шарқ халқлари тили ва адабиётининг ҳам амалий, ҳам назарий ривожига қўшган ҳиссаларини аниқ баҳолаш имкони яратилган;

балоғат илмининг мумтоз ўзбек адабиёти мутафаккирлари ижодига кўрсатган таъсирини ёритиш ва тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Тошкент» телерадиоканали давлат унитар

корхонаси қошидаги «Тошкент» радиоканалининг «Навоий махзани» номли эшиттиришида тадқиқот натижалари асосида тайёрланган «Навоий ижодида ташбиҳ санъатининг қўлланиши» мавзусидаги интервью эфирга узатилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2016 йил 29 декабрдаги 03-222-сон маълумотномаси). Эълон қилинган материаллар бадиий ижод камолотида балоғат илми муҳим ўринга эга эканини далиллаб берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 7 та Республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 45 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, 2 та ўқув қўлланма, 42 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, хусусан, 13 та республика, 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 250 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижалар асосида тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Балоғат илмининг илмий-назарий мазмуни ва унинг ўрта асрлардаги такомилли**» деб номланган биринчи бобида «балоғат» («بلاغة»), «фасоҳат» («فصاحة»), «баён илми» («علم البيان») ва «далолат» («دلالة») тушунчалари мазмуни, маъоний илмида («علم المعاني») калом («كلام») ни ҳолатга мослаш хусусиятлари, бадиъ илмида («علم البديع») бадиий санъат турлари илмий манбалар асосида ўрганилган. Бу бобда балоғат илмининг тараққиётида ўрта аср олимларининг ўрни масаласини ёритишга эътибор қаратилган. Шу сабабли унда араб филологиясида балоғат илмининг шаклланиши, Абдулқоҳир Журжоний<sup>15</sup> ва Юсуф Саккокийнинг<sup>16</sup>

<sup>15</sup> Тўлиқ исми: 'Abu Bakr 'Abdulqāhir bin 'Abdurrahmān bin Muḥammad al-Jurjāniy – أبو بكر عبد القاهر بن عبد الرحمن بن محمد الجرجاني.

балоғат илми асосчилари сифатидаги хизматлари, Жалолиддин Қазвиний<sup>17</sup> ва Саъдуддин Тафтазонийнинг<sup>18</sup> балоғат илми таҳсилига қўшган ҳиссаси, форс ва туркий тилларда яратилган балоғат илмига доир асарларнинг умумий тадқиқи ўрин олган.

Олимлар қадимдан тилнинг табиати ва тил орқали фикрни ифодалаш усулларини ўрганишга катта эътибор берганлар ва унга оид махсус фанлар тизимини яратганлар. Бундай тизим Шарқда «адаб илмлари»<sup>19</sup>, Ғарбда «филологик фанлар» деб аталган. Ўрта асрларда адаб илмлари тизимидаги маъоний ва баёнга бадиий санъатларга оид бадиъ илми ҳам қўшилиб балоғат илмини ташкил қилган.

«Балоғат» сўзидан илмий истилоҳ сифатида сўзловчининг каломни ўз ўрнида ва тегишли ҳолатда қўллай олиш ҳамда шу талабларга жавоб берувчи маъно аниқлигига эга, осон тушуниладиган, равон айтиладиган, ёқимли эшитиладиган ва морфологик қоидаларга мос тушадиган сўзлардан ташкил топган, яъни фасих жумлаларни сўзлай билиш маҳорати тушунилади.

Балоғатга оид асарлар «фасоҳат» тушунчасига изоҳ бериш билан бошланади. Араб тилида балоғатли калом, аввало, шу тилда кечадиган тил ҳодисалари ва қонуниятларига мос равишда тузилиши ва бу унинг шаклий ва маъновий гўзаллигини таъминлашга хизмат қилиши керак. Бу – тилга эстетик муносабатда бўлиш шартларидан бири ҳисобланади. Тил эстетикасининг ўзи ҳам каноник<sup>20</sup> санъатнинг ички қонунлари билан боғлиқ бўлиб, фасоҳатли калом тузиш шартлари шу қонунларга бўйсунди.

Балоғат илми уч таркибий қисмдан иборат: илму-л-баён – мақсадни изоҳлаш ва тушунтириш учун гапни турли воситалар билан ифодалаш қоида ва усуллари илми; илму-л-маъоний – таъбирни воқелик ва мақсадга мувофиқ тарзда тузиш услублари ҳақидаги илм; илму-л-бадиъ – сўз санъати илми.

Ўрта аср Шарқ олимлари тилнинг В.Гумбольдт аниқлаганидек «алоқа воситаси», А.А.Потебня каби «фикр формаси», О.Есперсен сингари «инсоннинг фикр ва туйғуларни намоён қилишга қаратилган фаолияти», «жамият маҳсули бўлиб, ижтимоий ҳодиса» каби коммуникативлик

<sup>16</sup> Тўлиқ исми: 'Abu Ya'qūb Yūsuf bin 'abi Bakr Muhammad bin 'Aliy as-Sakkākiy al-Hārazmiy – أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد بن علي السكّكي الخوارزمي.

<sup>17</sup> Тўлиқ исми: Jalāl ad-dīn Muḥammad bin 'Abdurrāḥmān al-Qazwiniy – جلال الدين محمد بن عبد الرحمن القزويني

<sup>18</sup> Тўлиқ исми: Sa'd ad-dīn Mas'ūd bin 'Umar bin 'Abdullāh at-Taftāzāniy – سعد الدين مسعود بن عمر بن عبد الله التفتازاني

<sup>19</sup> «Адаб» истилоҳи ҳақида қаранг: Фильштинский И.М. Арабская классическая литература в средние века. Арабская литература VIII-IX веков. – М., 1978; Исломов З.М. Махмуд Замахшарийнинг «Муқаддиму-л-адаб» асарининг қўлзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни. Филол.фан.док.... дисс. автореферати. – Тошкент, 1998; Мухтаров Т.А. Новелла в классической арабской литературе. – Ташкент: Узбекистан, 2003; Рустамий А. Ҳазрат-и Навойийнинг маънавий олами. – Тошкент: Navro'z, 2014. – Б. 41-43; ص. 414. محيي الدين عبد العزيز محمد. 2010. مسكيلياني للنشر. بن صوف، مجدي. لم الادب عند السكّكي. مسكيلياني للنشر. 2010. ص. 414. مفهوم علم الادب عند السكّكي و اجراءاته المتهجية. الجامعة المنيا. 1995. ص. 414.

shamela.ws.; «كشاف اصطلاحات الفنون والعلوم • الموقع الرسمي للمكتبة الشاملة»: علوم عربية/أبجد-العلوم-لصديق-حسن-خان-1890-се-خان-https://lisaan.net/abjad-al-uloom-by-siddiq-hasnan-khan-d-1890-се-خان-https://ar.wikipedia.org/wiki/علوم\_عربية/أبجد-العلوم-لصديق-حسن-خان-1890-се-خان-https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%B0%D0%BD%D0%BE%D0%BD).

<sup>20</sup> «Канон» сўзи грек тилидан ўзлаштирилган истилоҳ (ғарбий сом тилларида «қамиш» маъносига «qānoeh/kānu» сўзидан келиб чиққан). Фанда илмий билимларга асос бўлган, ўзгармайдиган анъанавий қонун, меъёр ва усуллар мажмуи тушунилади (https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%B0%D0%BD%D0%BE%D0%BD).

хусусияти ва Ф. де Соссюр қарашларига мос равишда «фикрни ифодаловчи белгилар тизими», Г.Эггинхаус айтганидек «шартли белгилар тизими», Ф.Кайнц сингари «белгилардан иборат тузилма (структура)» каби моддий жиҳатларини яхши билганларини таъкидлаш лозим.

Балоғат тизимини лафз (لفظ), калом (كلام), маъно (معنى), ибора (عبارة), ҳолат (حال), сўзловчи (متكلم), мурожаат қилинаётган шахс (مخاطب) кабилар ташкил қилади. Бу тизим таркиби балоғат илмида нутқ масаласи калом чегарасида ўрганилишини кўрсатади.

Калом (كلام) – арабча сўз бўлиб, «боғланган сўзлар; гап, жумла; нутқ, гап-сўз» каби луғавий маъноларга эга. Истилоҳда: энг катта фонетик бирлик, шу билан бирга мулоқот бирлиги сифатида нутқнинг энг кичик мустақил бўлаги. Унинг истилоҳий маъносига бир неча таъриф берилган. Шулардан энг машҳурлари – «Калом сўзловчи ихтиёр қилган маълумотни етказишга мўлжалланган тугал маънога эга мураккаб лафз»<sup>21</sup> ёки «Калом – маънонинг лафз ёки лафзлардан таркиб топган нутқий шакли». Калом тўрт шартга асосланган: у лафз, яъни алифбодаги товушлардан иборат бўлиши, ҳақиқатан<sup>22</sup> ёки тақдиран<sup>23</sup> икки ёки ундан ортиқ калима (сўз)дан ташкил топиши, муфид (тугал маънога эга бўлиши) ва каломдаги лафзлар маъноларга ишора (далолат) қилиши лозим<sup>24</sup>.

Абдулқоҳир Журжоний XI асрда каломнинг қуйидаги муҳим хусусиятларини белгилаб берган: 1. «Маънонинг томири лафзлар бўлиб, бу лафзларнинг вазифаси маънога хизмат қилишдан иборат». Бу қараш В. Гумбольдтнинг тилнинг ички формаси ҳақидаги таълимотида ички форма «сўз орқали ифодаланадиган маънодир» деган фикрига қиёсланса, Журжоний ҳам, В. Гумбольдт ҳам сўзларни маъноларни ифодалаб берувчи восита сифатида эътироф этганларини кўриш мумкин. 2. «Ақл сўзларнинг маъноларини излайди ва маънолар тақозо қилинаётган нарсага мувофиқ тизилади», яъни Журжоний нутқ сўзлардан ҳосил бўлиши ва танланган сўзлар маънони ёритишга хизмат қиладиган тартибда жойлашишини тўғри таъкидлайди. 3. «Тизим синтактик маъноларга риоя қилиши лозим, калом синтактис талаб қиладиган тартибда бўлиши керак». Журжоний В. Гумбольдт назариясига мос равишда «тил сўз ва грамматик қоидалардан иборат» эканини кўрсатиб берган. 4. «Грамматик ибора (термин)ларнинг ўзини билиш шарт эмас, ўша ибораларнинг мадлули, яъни ибора билдирган маънони билиш керак». 5. «Тизим истиора ва мажознинг бошқа турларини талаб қилади», демак, Журжоний истиора ва мажоз кабиларга хос бўлган маъно кўчиш ҳодисасига ҳам катта эътибор берган. У сўз калом тизимидаги ўрни, ўзи боғланиб келаётган сўз маъносидан келиб чиқиб тизимнинг турли бўлақларида турли маънолар касб этиши мумкин эканига ишора қилади.

<sup>21</sup> متن ألفية ابن مالك، باب الكلام وما يتألف منه. نسخة محفوظة 14 أكتوبر 2017 على موقع واي باك مشين

<sup>22</sup> «ḥaqīqatan», бу ерда: сўзнинг каломда иштирок этган ҳолати.

<sup>23</sup> «taqdīr» – лингвистикада эллипс, сўзнинг тушиб қолишига нисбатан қўлланади, «taqdīran» – сўз тушиб қолган ҳолат.

<sup>24</sup> <http://www.ahlalhdeth.com/vb/showthread.php?t=98050>

6. «Агар сўзлар бир-бирига боғланмаса, уларнинг тизими ҳам, тартиби ҳам бўлмайди, боғловчилар – усуллар ва ёрдамчи сўзлардир». Журжонийнинг бу фикри В. Гумбольдтнинг «тил формаси система сифатида намоён бўлади, яъни ҳар бир тил элементи, бирлиги бошқа элементга кўра мавжуддир, у билан ўзаро боғлиқдир» каби қарашларига мос келади. 7. «Тизимдан мақсад бир нарсани бошқа нарсага тартибсиз боғлаш эмас, балки уни тузишда маъноларни ёритиш ва бўлақларнинг ўзаро муносабатига эътибор бериш бўлиши керак». Демак, каломнинг таркибий бўлақлари синтактик муносабатга киришгандагина бирор мазмунга эга бўлиши Журжоний томонидан ҳам эътироф этилади.

Ўрта аср филологлари маълумотни нутқ орқали узатиш ва уни қабул қилиш жараёни муваффақиятли кечиши учун маълумот узатувчининг мақсади ва маълумот қабул қилувчининг ҳолатини эътиборга олиш муҳим эканини кўрсатиб берганлар.

Шунингдек, балоғат илмининг бош масалаларидан бири – IX асрда Жоҳиз<sup>25</sup> (775-868) «Китобу-л-баён ва-т-табйин» («كتاب البيان و التبیین») асарида келтирган ва Журжоний томонидан ривожлантирилган маъно ва лафз бирлиги назарияси ҳисобланади.

XX аср тилшунослари «Абдулқоҳир Журжонийнинг деконструкция назарияси швейцариялик лингвист Соссюрнинг деконструкция назариясидан олдин мавжуд бўлган»<sup>26</sup>, «Журжоний ва Н. Хомскийнинг ўхшаш жиҳатлари мавжуд»<sup>27</sup> каби фикрлари билан ўрта аср олимларининг тилшунослик соҳасидаги ишларига юқори баҳо бериб келмоқдалар.

Баён илмининг асосини «далолат» тушунчаси ташкил қилади. У лафзий ва лафзий бўлмаган турларга ажратилади. Лафзий далолатнинг вазъий, табиъий ёки ақлий турлари мавжуд. Балоғат илмида фақат вазъий далолат<sup>28</sup> ўрганилади.

Тарихий-ижтимоий жиҳатдан балоғат илми ўрта асрларда Қуръон-и Карим тили ва маъноларини тўғри англаш негизида вужудга келган ва ривожланган. Балоғат илмининг таркибий қисмлари араб тили заминида мустақил равишда шаклланиганини академик И.Ю.Крачковский ишончли далиллар билан асослаб берган. У эътиборни ўша даврда араб адабиётига таъсир қилиш эҳтимоли бўлган эрон-сосон ва грек-византия дунёсига қаратади ва «араб поэтикасининг пайдо бўлишига ташқи омил таъсири бўлган, дейиш қийин»<sup>29</sup> деган хулосага келади.

<sup>25</sup> Тўлик исми: Al-Jāhīz, 'Abu 'Utmān 'Amr bin Baḥr al-Kinānī al-Baṣrī – الجاحظ، أبو عثمان عمرو بن بحر الكناني البصري

<sup>26</sup> Khafagi, Muhammad Abdul Mun'em; Al-Imam Abd Al-Qāhir Al-Jurjānī (1972). Asrar al-Balaghah. Cairo: Maktabet al Qāhira (<https://www.revolvy.com/main/index.php?s=Abd%20al-Qahir%20al-Jurjani>).

<sup>27</sup> Muttaieb, Muhammad Abdul (1995). Mahmoud Ali Makki, ed. Issues of Modernism in the works of Abd-al-Qāhir al-Jurjānī. Egypt: Longman (<https://www.revolvy.com/main/index.php?s=Abd%20al-Qahir%20al-Jurjani>).

<sup>28</sup> вазъий далолат – сўзнинг айнан шу нарса учун тайинлангани тушунилади.

<sup>29</sup> Крачковский И.Ю. Ибн ал-Му‘тазз. «Китаб ал-бади‘» // Избранные соч. Т. VI. – М.-Л., 1960. – С. 131–134.

Балоғат илмининг вужудга келишида Жоҳиз «Китобу-л-баён ва-т-табйин» («كتاب البيان و التبيين»), «Иъжозу-л-Қуръон» («إعجاز القرآن»), Абу Убайда<sup>30</sup> (в.э. 867) «Мажозу-л-Қуръон» («مجاز القرآن»), Муътаз<sup>31</sup> (861-908) «Китобу-л-бадиъ» («كتاب البديع»), Маҳмуд Замахшарий<sup>32</sup> (1075-1144) Қуръони карим тафсирлари орқали, назарий жиҳатдан тўлиқ шаклланишида Абдулкоҳир Журжоний «Асрору-л-балоға» («أسرار البلاغة») ва «Дало'илу-л-иъжоз» («دلائل الإعجاز»), Юсуф Саккокий «Мифтоҳу-л-улум» («مفتاح العلوم») асарлари билан асосий ўрин эгалладилар.

Балоғат илмини ўқитишда Жалолиддин Қазвинийнинг «Талхису-л-мифтоҳ» («تلخيص المفتاح»), «Изоҳ фи улуми-л-балоға» («إيضاح في علوم البلاغة») ва Саъдуддин Тафтазонийнинг «Шарҳу Талхиси-л-Мифтоҳ» («شرح تلخيص المفتاح») асарлари асосий манбалардан ҳисобланган. Бизнинг давримизгача «Мифтоҳу-л-улум» қўлёзмаларининг кам нусхаси<sup>33</sup>, лекин унга ёзилган талхис ва шарҳ қўлёзмаларининг кўпгина нусхалари етиб келган. Уларнинг кўплаб нусхада кўчирилгани ўқув даргоҳларида балоғат илмининг ҳам араб наҳви, сарфи ва бошқа исломий илмлар каби кенг миқёсда ўқитилганидан далолат беради.

Форс ва туркий тилларда балоғат илмига доир асарларнинг энг машҳурлари Муҳаммад ибн Умар Родуёнийнинг (XI аср) «Таржумону-л-балоға» («ترجمان البلاغة»), Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадо'ику-с-сиҳр фи дақо'ики-ш-шиър» («حدائق السحر في دقائق الشعر»), Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъу-с-санойиъ» («بدايع الصنائع»), Аҳмад Тарозийнинг (XIV-XV асрлар) «Фунуну-л-балоға» («فنون البلاغة») асарлари ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Тил ва нутқ таъсирчанлигига доир Шарқ ва Ғарб лингвистик назариялари**» деб аталган иккинчи бобида тил структурасида экспрессив, эмотив ва валюнтатив функцияларга доир Ғарб ва Шарқ лингвистик қарашлари таҳлили, халқ оғзаки ижодининг балоғат унсурлари шаклланиши омили сифатида тадқиқи, балоғат илмининг лингвоэстетик камолотда тутган ўрнига доир назарий қарашлар таҳлили, балоғат илмининг стилистика ва риторика билан қиёсий типологияси амалга оширилган.

Маънони ифодалаш жараёнида тил поэтикасини ташкил қилувчи экспрессив, эмотив ва валюнтатив функциялар алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур лингвоэстетик функциялар ифодаси Шарқ ва Ғарб адабиётида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бу ўринда мазкур икки мустақил маданий-лингвистик дунёнинг ўз лисоний қадриятлари ва имкониятларини намоён этиш тажрибаси ҳақида сўз кетади.

<sup>30</sup> Тўлиқ исми: 'Abu 'Ubayda Ma'mar bin al-Muṣanna al-Baṣriy – أبو عبيدة معمر بن المثنى البصري

<sup>31</sup> Тўлиқ исми: 'Abu 'Abdullāh al-Mu'tazz bin al-Mutawakkil bin al-Mu'taṣim bin ar-Rašīd al-'Abbāsiy – أبو عبد الله – المعتز بن المتوكل بن المعتصم بن الرشيد العباسي

<sup>32</sup> Тўлиқ исми: 'Abu-l-Qāsim Maḥmūd bin 'Umar bin Muḥammad bin 'Umar al-Ḥārazmiy az-Zamaḥṣariy – أبو القاسم – محمود بن عمر بن محمد بن عمر الخوارزمي الزمخشري

<sup>33</sup> Bauden F. Catalogue of the Arabic, Persian and Turkish Manuscripts in Belgium. Volume 1. Handlist Part 1: Universit  de Li ge. – Leiden: BRILL, 2016. – P. 115.

Ўрта аср Шарқ тилшунослигида нутқ фаолияти орқали калом ҳосил бўлиши, калом ҳосил бўлиши учун товушлар кетма-кетлиги маъно касб этадиган тартибда бўлиши шарт деб ҳисобланган. Товушлар кетма-кетлиги ва нутқ тил воситасида амалга оширилиши таъкидланган.

В. Гумбольдт тадқиқотчилар ичида биринчи бўлиб тилнинг маъно ифодалаш имкониятини халқнинг маънавий ҳаёт тарзи, халққа хос ментал хусусиятлар билан узвий боғлайди<sup>34</sup>. Шу тариқа, маънавий ўзига хослик билан тил тузилиши бир-бирига чуқур сингиб, унинг моҳиятига кириб боради.

И.А.Бодуэн де Куртенэ<sup>35</sup> тил бирликлари (фонемалар) ва нутқ бирликлари (товушлар)ни ажратиб кўрсатиб, уларнинг белги асосига қурилган табиатини исботлаб берди.

Ф. де Соссюр<sup>36</sup> тилни белгилар тизими деб баҳолар эди. Унинг фикрига кўра, тил белгиси нарса ва унинг номини эмас, балки мазкур нарса англатган маъно ва акустик образни ўзаро боғлайди<sup>37</sup>.

Ғарбда бадий ва образли нутқ борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Л.В.Щерба<sup>38</sup> тилнинг эстетик вазифаси муҳимлигини қайд этган ҳолда, мана шу эстетик функциялар таркибига бадий воситаларнинг барча мавжуд турларини киритади. Шу қаторда Р. Якобсон<sup>39</sup> ҳам тил стилистикасига оид барча масалаларни тилнинг эстетик функциялари сафига киритади.

Бадий адабиёт тили борасидаги В.В.Виноградов<sup>40</sup>, Г.О.Винокур<sup>41</sup>, В.Б.Шкловский<sup>42</sup> А.М.Пешковский<sup>43</sup> каби олимлар томонидан илгари сурилган қарашлар асосида сўзнинг янги семантик ва синтактик муносабатларга киришиши орқали образлилик вужудга келади деб ҳисобланган.

Шарқ олимларидан Ибн Сино ҳам ўз даврида «образли қилиб айтилган сўз киши руҳини ўзига бўйсундирадиган бир ҳолат касб этади»<sup>44</sup> деб қараган. Ибн Сино шундай дейди: «Араблар шеърни икки мақсадни кўзлаб ёзганлар: уларнинг бири киши руҳига таъсир қилиш, бу билан муайян бир йўналиш ва

<sup>34</sup> Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 71.

<sup>35</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. – М.: Изд-во АН СССР, 1963. – Т. I, – С. 6-20.

<sup>36</sup> Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. Пер. с французского. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – 256 с.

<sup>37</sup> Мельников Г.П. О типах дуализмов языкового знака // «Научные доклады высшей школы». Филологические науки, 1971, № 5. – С. 54-67; Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. – Тошкент: Шарқ, 2010.

<sup>38</sup> Щерба Л.В. О тройном аспекте языковых явлений и об эксперименте в языкознании // Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974. – С. 24-39.

<sup>39</sup> Якобсон Р. Лингвистика и поэтика // Структурализм: «за» и «против». – М., 1975. – С. 193-229. (<http://philologos.narod.ru/classics/jakobson-lp.htm>)

<sup>40</sup> Виноградов В.В. К построению теории поэтического языка. Учение о системах речи литературных произведений. // Сб. «Поэтика», вып. 3. – Л., 1927. – С. 5-25.

<sup>41</sup> Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М.: Высшая школа, 1991.

<sup>42</sup> Шкловский В.Б. Заметки о прозе русских классиков. – М.: Советский писатель, 1953.

<sup>43</sup> Пешковский А.М. Лингвистика. Поэтика. Стилистика. Избранные труды. – М.: Высшая школа, 2007.

<sup>44</sup> Ибн Сино. Шеър санъати. – Тошкент: Фафур Ғулом нашриёти, 1980. – Б. 89.

эмоцияга чоғлаш, ... иккинчи мақсад эса, одамларни таажжубга солиш бўлган»<sup>45</sup>.

Тил бадийлиги тил белгиларининг бирорта ҳам функциясидан ажралмаган ҳолда, уларнинг ўзига хос барча томонларини жамлаб, ягона мақсадга, яъни тилнинг «безаниши»га хизмат қилдиради.

Шарқ олимларининг тил ҳақида «тил – сўзловчининг ички ҳолати ўзидаги барча ҳис-туйғулар ва маҳорат билан бирга муайян шаклга кирадиган рамзлардир» (Журжоний), «араб тили – мажоз тили», «тилнинг асоси – ҳар бир халқ ўз мақсадини ифода қиладиган товушлардир (Абулфатх ибн Жинний)», «тил ижтимоий, маданий жараёнга эга бўлган товушли тузилма бўлиб, унинг ўз белги ва рамзлари бор, у жамиятнинг тарихий ва маданий шарт-шароитидан келиб чиқиб ўсади ва ривожланади» (Абу Наср Форобий)<sup>46</sup>; нутқ ҳақида «инсоннинг кўнглидаги мавжуд ҳис-туйғулар ва истакларни товуш билан ифода қилишдир», «маъқуллар (тушунчалар) билан уларни ифода қилган сўзларга эски файласуфлар “нутқ ва қавл” дейдилар. Рухда мавжуд бўлган ва маъқулларни ифода қилган ички суҳбат “сўз”дир»<sup>47</sup> (Абу Наср Форобий) каби таърифларни келтирганлар.

Маънони балоғатли калом орқали ифода этиш учун сўз ёки иборалар танлаш сўзловчидан катта маҳорат талаб қилади. Журжоний янги маъно яратиш воситалари сифатида, биринчидан – мажоз, киноя каби кўчма маънога асосланган усулларни, иккинчидан – грамматик-стилистик воситаларни кўрсатади. Буларни Журжоний, ҳақли равишда, маъно доирасида муаллифлик услубини яратишда чексиз манба деб ҳисоблайди.

Бу фикр кейинчалик рус услубшуноси В.В. Виноградов томонидан ўз тасдиғини топди. У бадий асар стилистикасини алоҳида ажратиб, бу йўналишда тилнинг коммуникатив ва эстетик вазифаларининг бирлиги намоён бўлади, яъни маиший, кундалик нутқ элементларининг санъат фактига, асарига ўтиши, айланиши юз беради, индивидуал услублар ҳосил бўлади, деб ҳисоблайди<sup>48</sup>.

В.В. Виноградов бадий асарлар тили ҳақидаги таълимот илмнинг алоҳида соҳаси сифатида стилистика, поэтик нутқ назарияси ва поэтиканинг туташуви, “тўқнашуви”, бирлашуви нуктаси, натижаси деган муҳим хулосага келади<sup>49</sup>. Аслида мусулмон шарқида бадий асар тили ҳақидаги таълимот ғарбдаги каби стилистика ва поэтикага ажралган ҳолда эмас, олим таъкидлаганидек, уларнинг туташуви, бирлашуви нуктаси сифатида XI асрда шаклланган эди.

Бадий тил, табиийки, балоғат илми ўз ичига тил эстетикаси масаласини ҳам қамраб олади. Тил эстетикаси масалалари бадий нутқ назарияси, у эса тил лаконизми, яъни маънони кучайтириш ва шаклни ихчамлаштириш каби

<sup>45</sup> Ибн Сино. Шеър санъати. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1980. – Б. 101.

<sup>46</sup> عناصر اللغة العربية و خصائصها. ص. 1/مكتبة شاملة

<sup>47</sup> Абу Наср Форобий. Илмларнинг таснифи. Таржимон Н.Раҳим. – Тошкент: «Navro‘z», 2016. – Б. 23, 65.

<sup>48</sup> Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Фан ва технологиялар маркази. 2010. – Б. 126.

<sup>49</sup> Ўша асар. – Б. 126.

назарияларни келтириб чиқаради.

Балоғатнинг маъоний илмидаги ийжоз усули маънони кучайтириш ва шаклни ихчамлаштиришни таъминлашга қаратилган. Кейинги асрларга келиб ғарбда бу масаланинг тадқиқи анча чуқурлашди. Л. Блумфильд (1887-1949) дистрибуция тушунчасига асосланган дескриптив лингвистикани бошлаб берган. Дистрибуция – маълум тил бирлиги қўлланиши мумкин бўлган ва қўлланиши мумкин бўлмаган доиралар (контекстлар) йиғиндиси, яъни гап қисмларининг бир-бирига нисбатан жойлашиши асосида тил бирлигининг ўрни, тартиби, бирикиши каби хусусиятларидир<sup>50</sup>. Бу масалаларга маъоний илмида эътибор қаратилган. Масалан, эга ва кесимнинг гапнинг турли ўринларида келиши, тушиб қолиши мумкин ёки мумкин бўлмаган ҳолатлари чуқур таҳлил қилинган.

Балоғат илмида нутқда эшитувчи, гапирувчи, улар психологик мувозанатининг борлигига оид қарашлар маъоний бўлимида ўз ифодасини топган.

Ғарб тилшунослигида филологик жиҳатдан нутқнинг поэтик имкониятлари ва хусусиятларини адекват ва тўлақонли англаш эҳтиёжи унинг прагматик хусусиятларини аниқ белгилаш, нутқ бадиийлигида иштирок этувчи мавжуд воситаларнинг поэтик матнда тутган ўрни ва аҳамияти, нутққа таъсир кучини белгилаш билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни аниқлаш эҳтиёжи лингвистика ва поэтик нутқ кесишмасида янги соҳалар, жумладан лингпоэтика, лингвориторика ва лингвостилистика кабиларнинг вужудга келиши учун замин ҳозирлади<sup>51</sup>.

Шарқда тилнинг бадиийлиги, тил жозибаси, демак, тилнинг шахс ҳиссиётлари асосида турган эмоционал-экспрессив, эмотив, валюнтатив функциялари мажмуасини ўрганиш бўйича мавжуд лингвистик қарашлар тизими балоғат илми таркибида ўз аксини топган.

Балоғат илми ўз ичига олган масалалар – мақсадни изоҳлаш ва тушунтириш учун гапни турли воситалар билан ифодалаш қоида ва усуллари баён илмида, таъбирни воқелик ва мақсадга мувофиқ тарзда тузиш услублари маъоний илмида ва сўз санъати бадиъ илмида ўрганилади. Шу нуқтаи назардан балоғат илмига лингвистик жиҳатдан грамматика, лексика, стилистика каби соҳаларга оид билим, малака ва кўникмаларни ўзида мужассам этган, нутқнинг жозибали ва таъсирчан бўлишининг грамматик, лексик ва стилистик омилларини ўзида бирлаштирган ва бадиий нутқни тўғри ташкил қилиш амалиёти, тил моҳиятини тушунтириш илми деб қараш мумкин.

А.Б.Куделиннинг фикрига кўра, араблар поэтикаси ва тил бадиийлиги масалаларини европача тушуниш ва англашга кўп уринилди. Бунинг оқибатида ўрта асрлар Шарқ поэтикаси, стилистикаси, риторикаси ва бадиий тил хусусиятларини англамаслик, уни нотўғри талқин қилиш ҳамда классик

<sup>50</sup> Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Фан ва технологиялар маркази. 2010. – Б. 113.

<sup>51</sup> Липгард А.А. Лингпоэтика, лингвостилистика, лингвориторика. – М.: Московский лицей, 1999.

араб поэзиясининг эстетик моҳиятини «пастга уриш» ҳолатлари вужудга келди<sup>52</sup>. Аслида эса, балоғат илми араб поэтикаси таркибидаги тил ва нутқнинг бадиий амалиёти, унинг тузилиши, воситалари, усуллари борасидаги яхлит ва комплекс билимлар мажмуи бўлиб, балоғат илмини эгалламасдан туриб, араб-мусулмон халқларининг поэзияси, прозаси, бадиий адабиёти, фольклори ва оддий халқ нутқини англаш ўзига хос қийинчиликлар туғдиради ва нотўғри англаш вазиятларини вужудга келтиради.

Д.В. Фролов<sup>53</sup> араб филологиясининг уч манбаини кўрсатади. Булар – Куръон, қадимги араб поэзияси ва араб тилидир. Улар мажмуи классик араб филологиясининг тузилишини белгилаб берган.

Дастлаб балоғат илми таркибий қисмлари бир-биридан ажралган ҳолда эди. Юсуф Саккокий «Мифтоҳу-л-улум» асарида балоғат илмини яхлит ҳолга келтирган<sup>54</sup>. Бу асар ўзидан кейинги авлодлар учун каноник эталон ролини ўйнай бошлаган, шу боис Саккокий давридан кейин яшаган олимларнинг барчаси олим ўрнатган қоидаларга асосланганларини қайд этадилар.

М.Г. Кулиеванинг фикрича, Юсуф Саккокий мазкур асари билан балоғат илмини «танқидий эстетик аспект»дан «мантикий грамматик йўналиш»га олиб ўтган<sup>55</sup>. Шунини таъкидлаш жоизки, Юсуф Саккокий балоғат илмининг на фақат мантикий грамматик мазмунини ишлаб берган, балки у балоғат илми таркибига илми бадиъни ҳам киритиб, унинг мукамаллигини таъминлади, араб тилининг эмоционал-экспрессив, эмотив, валюнтатив функциялари мажмуасини ўрганиш бўйича мавжуд лингвистик қарашлар тизимини яратиб берди.

Тил структурасида экспрессив-эмотив ва валюнтатив функцияларга доир қарашлар Ғарб ва Шарқ лингвистик таълимотлари таркибида энг қадимги даврлардан бошлаб ўзига хос тарзда юзага келган ҳамда такомиллашиб борган.

Ғарб олимлари балоғат илмини «риторика» ёки «стилистика» деб атайдилар. Уларнинг умумий хусусиятлари – маънони аниқ ифодалашга хизмат қиладиган, тингловчида қизиқиш уйғотиб, осон ўзлашадиган жумла шаклига келтириш бўлса, фарқ қилувчи хусусиятлари – уларнинг таркибий қисмлари, маънони ифодалаш усуллари (сўз, рамзий белгилар, имо-ишоралар орқали ва ҳ.к.), қўлланиш доираси ва бошқа жиҳатларидир. Шу билан бирга Ғарб арабшунослигида балоғат илми ва хитоба, яъни ваъзхонлик ҳам кўп ҳолларда фарқланмайди ва балоғат риторика деб юритилади. Ғарб филологиясида балоғат илмининг айнан муқобили мавжуд эмас.

<sup>52</sup> Куделин А.Б. Концепция канона в средневековой арабской поэтике. Дисс. ... докт.филол.наук. – М., 1984.

<sup>53</sup> Фролов Д.В. Арабская филология: Грамматика, стихосложение, корановедение. Статьи разных лет. – М.: Языки славянской культуры, 2006.

<sup>54</sup> حامد عوني. المنهاج الواضح للبلاغة. الطبعة الخامسة. دار الكتاب العربي بمصر. 1953 م. ص. 8.

<sup>55</sup> Кулиева М. Вопросы теории арабской литературы на основе «Мифтах ал-улум» Ас-Саккаки. Дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1983.

Диссертациянинг «**Араб тилшунослигида маъоний илмига хос назарий қарашлар**» номли учинчи бобида каломнинг хабар (خبر) ва иншо (إنشاء) хусусиятлари талқини, муснад (مسند) ва муснад илайҳи (إليه) муносабатлари ва уларнинг ифодаланиш тарзи, қаср (قصر) усулининг маъно хослаш хусусиятлари, фасл (فصل) ва васл (وصل) усулларида стилистик ва семантик боғланиш тартиби, маънони ийжоз (إيجاز), итноб (إطناب), мусовот (مساواة) усулларида шакллантириш хусусиятлари балоғат илмига оид қарашлар асосида тадқиқ қилинган.

Каломнинг хабар ва иншо турларга бўлиниши маъоний илмида кўриладиган дастлабки масаладир. Хабар – рост ёки ёлғон маълумотни билдирган калом бўлиб, у берилган маълумотнинг воқеликка мос келиши ёки келмаслиги билан аниқланади. Маъоний илмида хабарнинг қариналар орқали ифодаланиши ва каломнинг шаклига кўра мақсадлари тасниф қилинган. Масалан: раҳм-шафқат исташ – *إِنَّ فَقِيرَ إِلَى عَفْوِ رَبِّي*. (Мен Раббимнинг кечирishiга мухтожман).

Маъоний илмида калом фойдали бўлиши учун керакли микдорда бўлиши, яъни кўпайиб кетмаслиги ёки мақсад ифодаланмайдиган даражадан кам бўлмаслиги зарурлиги масаласи ҳам кўрилади. Бу «*al-ifṣāḥ wa-l-bayān*» («аниқ баён қилиш») дейилади<sup>56</sup>.

Каломнинг иншо турига шундай таъриф берилади: «рост ёки ёлғон ҳукми берилмайдиган калом»<sup>57</sup>. Масалан: *أَغْفِرُ* (кечир), *إِرْحَمُ* (раҳм қил) кабиларда уларни айтган кимсага нисбатан «рост айтди» ёки «ёлғон айтди», деб бўлмади. Кейинчалик хабарнинг рост ёки ёлғон бўла олиши ва бу хусусият буйруққа хос эмаслиги Ғарб тилшуноси Р. Якобсон<sup>58</sup> томонидан XIX асрда ўрганилган. У буйруқ гаплар хабар гаплардан тубдан фарқ қилиши, хабар рост ёки ёлғон бўла олиши, буйруқ ундай эмаслигини айтиб ўтади. Маъоний илмида иншога буйруқдан ташқари сўроқ, истак, ундов мазмунидаги гаплар ҳам киритилади.

Маъоний илмида каломнинг муснад илайҳи ва муснад рукнлари ва уларнинг хоссалари ҳақида тўлиқ маълумот берилади. Жумладан, муснаднинг хабар, феъл, феъл номи, *ʾaḥbāru-n-nawāsiḥ* (أخبار النواصيخ – *kāna* ва унга ўхшашлар, *ʾinna* ва унга ўхшашларнинг хабарлари), феълнинг ўрнида келувчи масдар (مصدر) билан ифодаланиши, зикр қилинган, ҳазф қилинган, аниқ ёки ноаниқ, олдин ёки кейин келиш ва бошқа ҳолатлари мавжуд.

маъоний илмида талабсиз иншо ҳам, талабий иншо ҳам маъноларига кўра тасниф қилинган, уларнинг тавсифлари ва керакли маънони ифодалашда қўлланадиган лафзлар батафсил келтирилган. Керакли ўринларда уларнинг морфологик жиҳатлари (вазн тури, феълнинг жазм ва насб ҳолатлари) ҳам таъкидланган.

<sup>56</sup> أحمد هاشمي. جواهر في المعاني و البيان و البديع. بيروت-لبنان. 2004. ص. 67.

<sup>57</sup> أحمد هاشمي. المرجع السابق. ص. 84.

<sup>58</sup> Якобсон Р. Лингвистика и поэтика // Структурализм: «за» и «против». – М., 1975. (<http://philologos.narod.ru/classics/jakobson-lp.htm>)

Қаср усулида сўзловчининг мақсади, хосликнинг ҳолати, тингловчининг ҳолати ва хослаштириш йўллари эътиборга олинади ва улар ўз навбатида турларга бўлиб ўрганилади. Балоғат илми олимлари қасрнинг ифодаланишида гап бўлаги ўрнининг ўзгариши, инкор-тасдиқ юкламалари ва боғловчиларнинг қўлланиш ўринларини ҳам ўрганганлар.

Маъоний олимлари кетма-кет келган икки жумланинг иккинчиси аввалгисига баъзан маъно жиҳатдан боғланган (mawṣūl – موصول), баъзан боғланмаган (mafṣūl – مفصول) ҳолатда бўлиши мумкинлигини таъкидлаб, фасл ва васлни балиғ усуллардан деб ҳисоблаганлар. Фасл усулида жумлаларни бирор лексик восита орқали боғлаш мумкин эмас. Масалан: قَالَ يَا نُوحُ إِنَّهُ لَيْسَ مِنْ أَهْلِكَ إِنَّهُ عَمَلٌ غَيْرُ صَالِحٍ [У зот: «Эй, Нух! У сенинг аҳлингдан эмас. Албатта, у (унинг қилгани) яхши иш эмас» (МА 11/46, 227)]. Бу усул маъно жиҳатдан яхлит ёки бир-бирига мос ва боғланган жумлалар, ихтилофли жумлалар, кейингиси олдингисига мустаҳкам боғланган жумлаларга нисбатан қўлланади.

Балоғат илми олимлари бирор маънони нутқ орқали ифодалашда уни тўғри таъбир қилиш учун ийжоз, итноб, мусовот усулларида бири танланиши лозимлигини аниқлаганлар ва уларнинг хусусиятларига батафсил тўхталганлар.

Диссертациянинг «**Балоғат илмида лингвопоэтик воситалар тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобда балоғат илмига киритилган маъно кўчиши билан боғлиқ тил ҳодисалари, жумладан, маъно кўчишининг лексик-семантик ва метофорик-функционал хусусиятлари, ташбиҳ, киноя ва унинг хоссалари, шунингдек бадий воситалар таснифи ва таркиби масаласи ўрганилган ҳамда уларнинг лингвистик таснифи амалга оширилган.

Баён илмининг таркибига ташбиҳ (تشبيه), мажоз (مجاز), истиора (إستعارة), киноя (كناية) киради. Балоғат илмида ташбиҳнинг рукн (ركن) лари иштирокига кўра саккиз тури, мартабаларига кўра уч тури, маъносига кўра етти тури ишланган.

«Лексик маъно тараққиётига олиб келувчи кўчиришлар, асосан, метафора, метонимия, синекдоха йўллари билан кўчириш. Бу йўллар қоришиқ ҳолатда (метофорик-функционал, метонимия-синекдоха тарзида) ҳам учрайди»<sup>59</sup>. Шарқда бу масалалар балоғат илми таркибида ўрганилади. Маъно кўчишининг лексик-семантик ва метофорик-функционал хусусиятлари мажоз, истиорада ўз аксини топган.

Балоғат илми олимлари ҳақиқат ва мажознинг фарқини «Лафз икки турда қўлланади. Бири истеъмолда ўзгармайди, балки ўзининг ваъзий

<sup>59</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 21.

асосида қолади. У «ҳақиқат» деб номланади. Иккинчиси, истеъмолда ўзгаради. У «мажоз» деб аталади» деб кўрсатиб берганлар ва уни «араб тили услубларидан бири бўлиб, тилнинг бойлиги, ҳақиқат чегарасидан ҳаёлга ўтиш қудратидир» деб таърифлаганлар.

Нутққа умумий эстетик хусусият бағишлашда «бадий хиссий-таъсирчан лингвистик воситалар тизими»<sup>60</sup> муҳим манба ҳисобланади. Бадииятнинг ўзига хос жиҳатлари ва бадий адабиётдаги аҳамияти бир қанча замонавий олимлар томонидан тавсиф қилинган<sup>61</sup> бўлса-да, унинг тадқиқотталаб жиҳатлари мавжуд.

Бадий воситалар араб филологиясида балоғат илмининг бадиъ бўлимида ўрганилса, Ғарб филологияси ва улар орқали бугунги кун ўзбек тилшунослигида «стилистик воситалар», «бадий хиссий-таъсирчан лингвистик воситалар тизими», адабиётшунослик соҳасида «бадий санъатлар» ёки «шеърый санъатлар» каби турли номларда ўрганилади. Шунингдек, уларнинг таснифи ҳам Шарқ филологлари таснифидан фарқ қилади. Араб балоғатида бадиъ санъатлар уларнинг санъат ҳосил қилишдаги етакчи жиҳатини эътиборга олган ҳолда лафзий (لفظي) ва маъновий (معنوي) гуруҳларга ажратилган. Ажам халқи лафзий-маъновий турни ҳам киритган. «Лафзий» истилоҳи санъат ҳосил қилишда сўзнинг айнан товуш жиҳати эътиборга олинган, «маъновий» истилоҳи санъат ҳосил қилишда сўзнинг айнан маъно жиҳати эътиборга олинган санъатларга қўлланади. Лекин лафзий санъатларни ҳосил қилишда Юсуф Саккокий таъкидлаганидек, «лафз маънога тобе бўлиши керак».

Бадий нутқни англашнинг муҳим омилларидан бири унинг лингвостилистик ва лингвопоэтик таҳлилини амалга оширишдир. Бундай таҳлилнинг асосини бадий воситалар ташкил қилади. Ўрта аср олимлари буни яхши англаган ҳолда нутқ шаклига хизмат қилувчи ва маънога хизмат қилувчи бадий воситаларни ажратиб кўрсатиб берганлар ва уларнинг моҳиятини аниқ баён қилганлар. Лекин уларнинг лингвистик таснифи мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг мазкур бобида араб тили учун фаол бўлган санъат турлари грамматик хусусиятларига кўра Ғарб тилшунослигида ўрганиб келинаётган тасниф асосида таҳлил қилинди. Араб хатида ёзилган бадий

<sup>60</sup> Сапаева Ф. Н., Абдуллаева Ш. Д. Лексик-стилистик усулларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари // Молодой ученый. – Тошкент, 2016. № 9.5. – С. 68-71.

<sup>61</sup> Крачковский И.Ю. Поэзия по определению арабских критиков. Избранные сочинения. Т.2. – М.-Л., 1956. – С. 52-63; Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века. Арабская литература VIII-IX веков. – М.: Наука, 1978; Шидфар Б. Я. Образная система арабской классической литературы (VI-XII вв.). – М.: Наука, 1974; Фролов Д.В. Арабская филология: Грамматика, стихосложение, корановедение. Статьи разных лет. – М.: Языки славянской культуры, 2016; Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – М.: Наука, 1983; Кулиева М. Вопросы теории арабской литературы на основе «Мифтах ал-улум» Ас-Саккаки: Дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1983; Зиявиддинова М. Поэтика в «Мафатих ал-улум» Абу Абдуллаха ал-Хорезми. Автореф.дис. ... кан.филол.наук. – Ташкент, 1990; Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане. X-начала XI в. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 214-215; Ибрагимов Н.И. Ўрта аср араб халқ адабиёти. – Тошкент: Фан, 1994; Хўжаев М. Чустий лирикасида истиора // Шарқшунослик. 2001. № 2. – Б 3-5; Давлатпур О. Иқтибос санъати // Шарқшунослик. – Тошкент, 2001. № 1. – Б. 27-32.

асарларда шу ёзув хусусиятларидан ҳам гўзаллик намунаси сифатида фойдаланганлар. Натижада график воситаларга оид қоидалар ҳам шаклланган бўлиб, улар ҳам шу таснифга киритилди.

## ХУЛОСА

1. Балоғат илми ислом дини вужудга келиб, Қуръон нозил бўлгач, унинг маъноларини аниқ ва тўғри тушунишга бўлган талаб натижасида араб тили доирасида шаклланган ва ривожланган. Фан сифатида исломий илмлар тизимининг адаб илмлари бўлимига киради. Балоғатнинг таркибини маъоний, баён ва бадиъ илмлари ташкил қилади.

2. Ғарб лингвистик таълимоти экспрессив-эмотив ва валюнтатив хусусиятларни тил тузилиши, унинг белги тизимида тутган ўрни, тил белгилари вазифалари қаторида структурализм, психоллингвистика, лингвопоэтика йўналишларида ўрганган бўлса, Шарқда тилнинг таъкидланган функциялари хусусиятлари балоғат илмида маълум даражада акс этиб, айнан тилнинг вазифалари ва бадииятини таъминлайдиган лингвистик воситалар, уларни яратиш қонун-қоидалари ва амалий қўллаш шарт-шароитлари негизида ўрганилган.

3. Балоғат илми маънони фонетик, морфологик, лексик, семантик, синтактик жиҳатдан тўғри тузилган, вазиятга мос келувчи калом шаклида ифода этишни таъминлайдиган Поида ва усулларни ўрганувчи фан сифатида шаклланган.

4. Абдулқоҳир Журжоний балоғатшунос олим сифатида тилнинг тизим экани, унинг таркибий бўлаклари, жумладан, калом ҳам ўз тизимида эга экани, маъно ва шакл бирлиги каби тилшунослик масалаларини ёритиб берди. Юсуф Саккокий балоғат илми таркибига илми бадиъни ҳам киритиб, унинг мукамаллигини таъминлади, араб тилининг эмоционал-экспрессив, эмотив, валюнтатив функциялари мажмуасини ўрганиш бўйича мавжуд лингвистик қарашлар тизимини яратиб берди.

5. Маънони тил орқали тўғри ва аниқ ифодалаш балоғат илмининг бош масаласи бўлиб, маъоний илмида шакл ва мазмун бирлиги, маълумот етказишда маъно бирламчи, ифода иккиламчи қоидаларига амал қилинади. Маъоний илми ўз ичига қисман бўлса-да, тилшуносликнинг энди ривожланиб келаётган тармоқларидан бири психоллингвистикага алоқадор бўлган – сўзловчи ўз мақсадини ифодалашда тингловчининг руҳий, маънавий ва жисмоний ҳолатларини эътиборга олиши лозимлиги каби масалаларни қамраб олгани билан ҳозирги замон тилшунослиги учун аҳамиятлидир.

6. Маъоний илмида гапнинг мақсадга кўра турларини ҳосил қилишда қўлланадиган воситалар, гапни синтактик жиҳатдан тўғри ёки нотўғри тузиш масалалари аниқ ва пухта илмий изчилликда ёритиб берилган.

7. Балоғат илмининг баён ва бадиъга оид бўлимлари ислом минтақаси халқлари тилига ҳам кўчди. Лекин маъонийнинг баъзи масалалари моҳиятан

барча тилларга таалуқли бўлса-да, амалий жиҳатдан фақат араб тилининг грамматик тузилиши ва воситалари билан узвий боғлиқ. Шу сабаб маъоний илми бошқа тилларга ўзлаша олмади. Бу ҳолат табиий равишда балоғат илмининг тўлиқ ўзлашишига монелик қилди. Бундан маълум бўладики, балоғат тизимида ишлаб чиқилган қонун-қоидалар тўлиқлигича фақат араб тилига хизмат қила олади. Ҳозиргача маъонийнинг мазмуни ва вазифасини сақлаган ҳолда ҳар бир тил учун махсус қонун-қоидалар ишлаб келинмоқда.

8. Ғарбда балоғатни риторика ёки стилистикага тенглаштиришга ҳаракат қилинади. Уларнинг умумий хусусияти – фикрни аниқ ифодалашга хизмат қиладиган, тингловчида қизиқиш уйғотиб, осон ўзлашадиган нутқ шаклига келтириш бўлса, фарқ қилувчи хусусиятлари – таркибий қисмлари, маънони ифодалаш усуллари (сўз, рамзий белгилар, имо-ишоралар орқали ва ҳ.к.), қўлланиш доирасининг турлича экани ва бошқалар. Ғарб филологиясида балоғат илмининг айнан муқобили мавжуд эмас.

9. Рус услубшунослигида XIX асрга келиб бадиий асарлар тили ҳақидаги таълимот яратилди ва у илмининг алоҳида соҳаси сифатида стилистика, поэтик нутқ назарияси ва поэтиканинг туташуш нуктаси натижаси деган муҳим хулосага келинди. Аслида мусулмон Шарқида бадиий асар тили ҳақидаги таълимот Ғарбдаги каби стилистика ва поэтикага ажралган ҳолда эмас, уларнинг туташуш, бирлашуш нуктаси сифатида XII асрда шаклланиб бўлган эди. Бу ўрта аср олимларининг бошқа фанлар қатори филология соҳасида ҳам диққатга сазовор ютуқларга эришганларини кўрсатади.

10. Абдулқоҳир Журжоний тил тизими ва тилнинг шакл эканлиги ҳақидаги назарияларни ишлаб чиқди. Балоғат илмида тилнинг алоқа воситаси эканлиги, шакл ва мазмун бирлиги, мазмунни аниқ шакл орқали ифодалаш, лафз ва маъно муносабати масалалари, маънонинг устуворлиги қоидаси; нутқда эшитувчи ва гапирувчи орасида психологик мувозанатнинг борлиги тўғрисидаги қарашлар мавжуд.

11. Бадиий асарлар тили ҳақидаги таълимотга асосланган тил эстетикаси, бадиий нутқ, маъно кўчиши, тил лаконизмига доир қарашлар балоғат илмида турли даражада ўз ифодасини топган.

12. Балоғат илмини эгаллаш халқ оғзаки ижоди намуналари, бадиий, илмий асарлар, Куръон маъноларини тўғри ва аниқ англаш, шу билан бирга эстетик талабларга жавоб берадиган таъсирчан ва сермаъно нутқ яратишда муҳим ҳисобланади.

13. Балоғат илми XIX аср бошларигача барча мусулмон ўлкаларнинг мадрасаларида ўқитилган. Ҳозирги кунга келиб балоғат илмини билмаслик натижасида тилнинг камбағаллашуви ва унинг ифода имкониятларини яхши англамаслик, XX—XXI аср поэзиясида тил деформацияси ва белгилар кризиси каби салбий оқибатларга олиб келмоқда. Бунга қарши чоралардан бири сифатида балоғатшунослик илмий мактабини яратиш, балоғат илми асосларини ўзбек тили нуктаи назаридан ишлаб чиқиш ва ўқитиш лозим.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES  
DSc.26.04.2018.ISI.TAR/F/FIL.57.01 AT INTERNATIONAL ISLAMIC  
ACADEMY OF UZBEKISTAN**

---

**INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN**

**RUSTAMIY SALIMAKHON ALIYBEG KIZI**

**LINGUISTIC VIEWS IN MEDIEVAL ISLAMIC SCIENCE OF BALĀĠAT**

**24.00.04 – Eastern classical literature and source study**

**CONTENTS OF DISSERTATION ABSTRACT OF DOCTOR  
OF SCIENCE (DSc) ON PHILOLOGICAL SCIENCE**

**Tashkent – 2018**

**The theme of the doctoral thesis is registered by Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in number B2018.3.DSc/Fil39**

The doctoral thesis has been carried out at the International Islamic Academy of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) is placed on the web page [www.islam.academy.uz](http://www.islam.academy.uz) of the Scientific Council and information-educational portal «ZiyoNet» [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Scientific consultant:** **Ibragimov Nematula**  
Akademician, Doctor of Philology, Professor

**Official opponents:** **Dadaboyev Hamidulla Aripovich**  
Doctor of Philology, Professor

**Khodjayeva Rano Umarovna**  
Doctor of Philology, Professor

**Siddikova Iroda Abduzuhurovna**  
Doctor of Philology

**Leading organization:** Institute of Uzbek language, literature and folklore

Defense of dissertation will take place on « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018 at \_\_\_\_\_ at the meeting of the Scientific Council awarding Scientific degrees DSc.26.04.2018.IsI.Tar/F/Fil.57.01 at the International Islamic Academy of Uzbekistan (address: 100011, Tashkent city, A.Kodiriy Street, 11. Phone number: (99871) 2440056; Fax: (99871) 2440065; e-mail: [info@eeau.uz](mailto:info@eeau.uz))

Doctoral dissertation could be reviewed in the Information Resource Centre of the International Islamic Academy of Uzbekistan. (Registration number \_\_\_\_). Address: 100011, Tashkent city, A.Kodiriy Street, 11. Phone number: (99871) 2440056.

Abstract of dissertation sent out on « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018.  
(Protocol at the register № \_\_\_\_ of « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018).

**A.A.Hasanov**  
Chairman of the Scientific Council awarding Scientific degrees, Doctor of History, Professor

**M.M.Muhammadsidikoy**  
Scientific Secretary of the Scientific Council awarding Scientific degrees, Doctor of Political Science

**K.P.Sodikov**  
Chairman of the Scientific Seminar at the Scientific Council awarding Scientific degrees, Doctor of Philology, Professor

## INTRODUCTION (the abstract of DSc thesis)

**The topicality and relevance of the doctoral theme.** In the beginning of 21<sup>th</sup> century the achievements of scientists from Maverannahr who took an important place in development of the world science in the history of Islam civilization were recognized. «The invaluable heritage that they left in the field of exact sciences and religious scholarship is the intellectual wealth belonging to all mankind»<sup>62</sup>. Therefore «deeply studying, fundamental understanding and widely disseminating of the works written by the thinkers of Islamic world who are considered to be our great ancestries, their invaluable contribution to the development of world civilization takes on special significance. This issue is of significant importance for strengthening the sense of aspiration in the youth to the science and education, correctly understanding and perception of Islamic values and culture in all societies, making the true content and essence of Islamic religion clear to all nations of the world. Along with this, nowadays, arranging of world conferences, international and intercultural interactions for achieving of peace and friendship is also very important»<sup>63</sup>. In development of world civilization, besides the exact sciences, the sciences of *Qur'ān* including such issues as *tafsīr* (التفسير), *fiqh* (الفقه), *'aqā'id* (العقائد), *'adab* (الأدب) were of a high state. The science of *balāğat* (علم البلاغة) which is one of the sciences of *'adab*, was founded in the early 9<sup>th</sup> century by Abu Ubayda (728-824) in the work «Majāz al-Qur'ān»<sup>64</sup> (مجاز القرآن). During the following years this science improved itself and in 12<sup>th</sup> century a scholarship from Kharezm Abu Yāqub Yusuf as-Sakkākī (1160-1229) joined the sciences *ma'ānī* (علم المعاني), *bayān* (علم البيان) and *badī'* (علم البديع) to a uniform system and called it «the science of *balāğat*». This science is common among Arab, Persian and Turkic people and had been taught as a discipline in the educational institutions of our country until the beginning of 19-20<sup>th</sup> centuries. The theoretical views of the science of *balāğat* that was taught and studied by our ancestors during several centuries are also topical in the modern linguistics.

In the world, the linguistic views covering theoretical and practical issues concerning the language have developed in the structure of the sciences of *'adab* (علوم الأدب) as a set of multibranch and complex scientific theories like *luğat* (علم اللغة), *ṣarf* (علم الصرف), *nahv* (علم النحو), *balāğat* (علم البلاغة) and its object of study has become the language, linguistic phenomena and the speech as expression of language. The language has been estimated as a system of complex symbols. In the processes of theoretical studies of language phenomena, the Western linguistic schools focused on the communicative, cognitive, nominative and accumulative functions of the language, so in the Western world such fields as sociological linguistics, psycholinguistics, ethno-linguistics and anthropological linguistics have developed. In the medieval Oriental linguistics, scholars were mostly

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 декабрь.

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи: Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик // Халқ сўзи. – 2016. – 19 октябрь.

<sup>64</sup> A work devoted to the language and style of the Qur'ān.

interested in emotional-expressive, i.e. valuntative function of language, and the language was deeply investigated as the means of emotional-psychological effect. As a result, theoretical views on the aesthetic effect of the language and its artistic composition served as the basis for creation of the science of *balāğat* in the Arab world. Today, in the world linguistics the interest in the history, structure, significance, meanings of terms, methods of application of artistic means of the science of *balāğat* is increasing. The researchers are faced with the task of developing the scientific foundations of the science of *balāğat*, estimation of its state in the science of 'adab<sup>65</sup> (علم الأدب), realization of the typology of the sciences of *balāğat* by means of modern methods, the solution of which will serve the comprehension of our ancestors' system of scientific and artistic views.

The reforms of late years being carried out in Uzbekistan served as an important factor in realizing of changes and large projects in religious field as well. In particular, based on the goal of «scientifically and comprehensively deep study of the rich and unique heritage, the belief of which is connected with the religion of Islam, giving an idea of the life and scientific-creative activity of great scholars and thinkers grown up in our country, widely familiarizing our people and the world public with them, arranging of contacts between religions and civilizations in international level, disclosure of the humanistic essence of the religion of Islam, fighting against ignorance by enlightenment, education of the youth in the spirit of humanistic ideas, national pride and honor»<sup>66</sup> the issue of «investigating of manuscripts and the examples of epigraphy written in Arabic script on various subjects, publication of their original copies as well as their translations into Uzbek and foreign languages with scientific comments and putting them into use»<sup>67</sup> are included into the tasks related to governmental importance and the prospective strategy of development. The manuscript funds of our country are rich of manuscripts belonging to the science of *balāğat*. This science existed in close connection with the religion of Islam as a single whole linguistic regularity, it was prevalent as a set of criteria and rules of disclosing the artistic expressive potential of language and practical ensuring of the quality of speech. However, integrated and systemic investigation of the content of linguistic views within the framework of *balāğat* has not been realized yet in terms of linguistic phenomena, language fund and the artistic potential of language, and this problem is topical in understanding our ancestors' linguistic-poetical thought.

This research will serve to a certain extent in the implementation of tasks specified in the Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan «On the Strategy of Actions for the Further Development of the Republic of Uzbekistan» dated February 7, 2017, No. UP-4947, «On measures of radically improving the

<sup>65</sup> It is also called 'ulūmu-l-luğati-l-'arabiyya(ti) - علوم اللغة العربية.

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази устави // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 31-сон, 782-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2018 й., 09/18/23/0576-сон.

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2995- сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори // Халқ сўзи, – 2017. – 25 май.

activity of religious and educational sphere» dated April 16, 2018, No. PF-5416, Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan «On measures of further improving the system of higher education» dated April 20, 2017, No. PQ-2990, «On measures of further improvement of the system of storage, research and dissemination of ancient written sources» dated May 24, 2017, No. PQ-2995, Resolutions of the Cabinet of Ministers «On Organization of Activity of the Center for Islamic Civilization in Uzbekistan at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan» dated August 2, 2017, No. 572 and other normative-legal acts concerning the field.

**Compliance of the research with priority directions of development of science and technologies of the republic.** The research was carried out in accordance with the priorities of the Republican Science and Technology Development I. «Ways of Formation and Implementation of the System of Innovative Ideas in the Social, Legal, Economic, Cultural, Spiritual and Educational Development of Information Society and Democratic State».

**Review of foreign scientific researches on the topic of the dissertation**<sup>68</sup>. Scientific researches aimed at studying of the science of *balāğat* is carried out at a number of leading world research centers and higher educational institutions, including Cambridge University (UK), Indiana University Bloomington (USA), Lund University (Sweden), جامعة الأزهار، جامعة القاهرة (ARE) جامعة بغداد (The Republic of Iraq), دانشگاه تهران (IRI), İstanbul Üniversitesi (Turkey), Sankt-Petersburg State University, Institute of World Literature of RAS, Institute of Oriental Studies of RAS, Institute of Asian and African Studies (Russia), Tajik National University (Tajikistan), Tashkent State University of Uzbek Language and Literature, Tashkent State Institute of Oriental Studies, International Islamic Academy of Uzbekistan (Uzbekistan).

As a result of researches dealing with the formation, structure, theoretical bases of the science of *balāğat* in Middle Ages, in particular, the following results are obtained: it is grounded that in Middle Ages the science of *balāğat* was included into the sciences of *Qur'ān*; it is proved that Abdulqāhīr Jurjānī (1009-1078) is the founder of the theory of deconstruction (جامعة الأزهار، جامعة القاهرة); the factors of appearing of the science of *balāğat* such as formation the sciences of *Qur'ān*, Arabic grammar, the necessity of interpretation of the meanings of the *Qur'ān* on scientific basis have been disclosed (Institute of World Literature of RAS, Institute of Oriental Studies of RAS, International Islamic Academy of Uzbekistan); such factors of creating artistry in literary works as the regularities of *balāğat* and the bases of correctly organizing of the text have been elucidated (University of Cambridge, Lund University, Indiana University Bloomington, Sankt-Petersburg State University); the typology and peculiarities of literary arts

---

<sup>68</sup> The review of foreign scientific researches on the topic of the dissertation is prepared based on – <https://www.cam.ac.uk/>, <https://www.indiana.edu/>, <https://www.lunduniversity.lu.se/>, [www.azhar.edu.eg/](http://www.azhar.edu.eg/), <https://cu.edu.eg/ar>, <http://www.uobaghdad.edu.iq>, <http://ut.ac.ir/en>, [www.istanbul.edu.tr](http://www.istanbul.edu.tr), <https://spbu.ru/>, <http://imli.ru/>, <https://www.ivran.ru/>, <https://www.msu.ru/info/struct/dep/isaa.html>, <http://philol.tnu.tj/KafZabAdMToj.htm>, <http://navoiy-uni.uz/uz-k> and other sources.

have been theoretically grounded (Istanbul University, Tajik National University); the language of belles-letters has been described on the bases of the principles of the science of *balāghat* (دانشگاه تهران, جامعة بغداد, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature, Tashkent State Institute of Oriental Studies).

In the world in the field of Arabic linguistics that is considered to be one of the sciences of *Qur'ān* a number of researches on disclosing the theoretical bases of the science of *balāghat* concerning language and artistry is being carried out in the following priority areas: creation of scientific and critical texts of manuscripts belonging to the science of *balāghat*; description of the language and artistic peculiarities of the *Qur'ān* according to the methods of the science of *balāghat*; proving of the effect of the science of *balāghat* on the creative works of masters of the classical oriental literature; description of literary arts; elucidation of the language and style peculiarities of classical works written in Arabic, Persian and Turkic languages.

**Degree of knowledge of the problem.** From the earliest times, in particular, in the East in the period before and after Islam, together with this, in the period of the Western Renaissance, in Russia in the 17-19<sup>th</sup> centuries there were created theories related to the artistic peculiarities of language<sup>69</sup>. In the second half of the 19<sup>th</sup> century theoretical views on poetic language and its constant elements, foundations of historical poetry, and in the 20<sup>th</sup> century, the problems of linguistic poetics were studied from different viewpoints<sup>70</sup>. There have been partially investigated some problems relating to the fundamentals of insuring the artistry in speech of medieval scholars, the influence of Arab literature on the Persian and Turkish peoples' literature and literary relations<sup>71</sup>.

---

<sup>69</sup> Aristotle (ancient period); G.G.Trissino, T.Takko, J. Scaliger, N. Boileau (the period of Western Renaissance) .V.K.Trediakovskiy, A.P.Sumarokov, M.V.Lomonosov (17-19<sup>th</sup> centuries); Ibn Qutaiba, Qudama ibn Ja'far, Ibn al-Mu'tazz (9-10<sup>th</sup> centuries), Abu al-Faraj al-Isfahoniy, Ahmad Taroziy (14-15<sup>th</sup> centuries), Atoulluh Husainiy, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy (15-16<sup>th</sup> centuries) and others.

